

## **ЎТМИШГА НАЗАР**

**3 - МАХСУС СОН**

## **ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 3**

## **LOOK TO THE PAST**

**SPECIAL ISSUE - 3**



**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Зияева Доно Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети, Қозоғистон

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Самарқанд давлат тиббиёт институти

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
профессор, Телави давлат  
университети, Грузия

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Россия ФА, Санкт-Петербург  
Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон  
Миллий университети, Қозоғистон

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон миллий университети

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Талапов Бахриддин Алижанович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Наманган давлат университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

<b>1. Алима Ауанасова</b> ҚОЗОҒИСТОН ХАЛҚ АССАМБЛЕЯСИ – МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БИРДАМЛИКНИНГ САМАРАЛИ МОДЕЛИ.....	5
<b>2. Максим Моисеев</b> РОССИЯ ПОДШОЛИГИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИГА ОИД ЯНГИ ТОПИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР.....	11
<b>3. Рахбар Холиқова</b> TURKISTON O‘LKASIDAGI MILLIY OZODLIK HARAKATLARI TARIXIDAN (MARDIKORLIKKA SAFARBARLIK VA UNING OQIBATLARI).....	21
<b>4. Ибройим Махкамов, Хамиджон Шахобов, Умида Носирова</b> ЖАДИДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ.....	29
<b>5. Дурдонахон Муродова</b> ЖАНУБИЙ ФАРҒОНА ШАҲАРСОЗЛИГИДА МАРФИЛОН. ДАСТЛАБКИ АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАР (ЁЗМА МАНБАЛАР ВА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА).....	36
<b>6. Авазбек Мирзаев</b> ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ПАХТА САВДОСИ ВА ТОЛАНИ МЕТРОПОЛИЯГА ТАШИБ КЕТИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ.....	42
<b>7. Саҳодат Муртазова</b> “МАҚОМ” ФЕСТИВАЛИ – ХАЛҚАРО МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ.....	48
<b>8. Шухратжон Абдуллоев</b> БУҒДОЙНИНГ ИЛОҲИЙЛАШТИРИЛИШИ БЎЙИЧА МОДДИЙ ВА ЁЗМА МАНБАЛАР.....	54
<b>9. Исломбек Бобожонов</b> ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАРИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК (1991-2019 йй.).....	63
<b>10. Бобурмирзо Ботиров</b> ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИГА ОИД ҚУРЪОНИ КАРИМДА КЕЛГАН НОРМАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	69
<b>11. Хумоюн Назаров</b> ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ КУШОН ДАВРИ ҚЎҲНА ШАҲАРЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН.....	81
<b>12. Баҳрам Намозов</b> ҚУТЛУҒ БАШАРОВ ИЖОДИГА НАЗАР.....	90
<b>13. Файзулла Очилдиев</b> XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ВА СОЛИҚ ТУРЛАРИ.....	96

<b>14. Turdigul Omirzakovna</b> QORAQALPOQ XALQINING XOTIRALARIDAGI VA MEMUARLARIDAGI IKKINCHI JAHON URUSHI.....	105
<b>15. Мухиддинжон Примов</b> XX АСРНИНГ 60-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН КАРТОГРАФИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИГА ДОИР.....	113
<b>16. Азиз Равшанов</b> ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР (1991-2020 йиллар).....	120
<b>17. Гулчехра Рахимова</b> ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИНГ ЎЗГАРИШ САБАБЛАРИ.....	127
<b>18. Екатерина Смесова</b> ВЕРА КОМИССАРЖЕВСКАЯ ВА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИНИНГ ТЕАТР САНЪАТИ ТАРИХИ САҲИФЛАРИДАН.....	134
<b>19. Жасур Савриев</b> НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ “РАБОТИ МАЛИК” ҚАРВОНСАРОЙИНИНГ ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАСИ ВА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАЪМИРЛАНИШ ТАРИХИ.....	140
<b>20. Музаффар Тожибоев</b> ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРИХИНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	156
<b>21. Сайёра Тураева</b> ЧОР РОССИЯСИНИНГ ЎРТА ОСИЁГА 1840 ЙИЛЛАРДАГИ ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИ: ГЕОЛОГИК ВА ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ АСПЕКТЛАРИ.....	163
<b>22. Тўракул Ҳасанбоев</b> ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА (ЁЗМА МАНБАЛАР АСОСИДА).....	170
<b>23. Шермухаммат Эрназаров</b> МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИДА ТАРИХИЙ ВА СИЁСИЙ ОНГНИНГ АҲАМИЯТИ.....	176
<b>24. Ахмеджон Юсупов</b> САРИҚАМИШБЎЙИ ВА УЗБОЙ САРҲАДЛАРИ ЁДГОРЛИКЛАРИДА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАРИХИДАН.....	185
<b>25. Алишер Эсанов</b> ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ АСОСЧИСИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУНОЗАРАЛАР.....	193
<b>26. Миролим Бердикулов</b> ТЎДА-1 НЕОЛИТ МАКОНИ ТОШ ҚУРОЛЛАРИ (2017-2018 йиллардаги қазилма материаллари асосида).....	197

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Шухратжон Бобоисмоилович Абдуллоев,

Термиз давлат университети,


“Ўзбекисто тарихи ва манбашунослик”

кафедраси таянч докторанти

e-mail: abdulloyevshuxrat@gmail.com

## БУҒДОЙНИНГ ИЛОҲИЙЛАШТИРИЛИШИ БЎЙИЧА МОДДИЙ ВА ЁЗМА МАНБАЛАР

**For citation:** Shukhratjon B. Abdulloev, MATERIALS AND WRITTEN SOURCES ON THE DEIFICATION OF WHEAT. Look to the past. 2020, Special issue 3, pp.54-62

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6582925>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада археологик ва ёзма манбалар асосида буғдойнинг илоҳийлаштирилиши таҳлил этилган. Буғдойнинг қадимги одамлар ҳаётидаги ўрни кўрсатиб берилган бўлиб, инсониятнинг ўтроқ ҳаётга ўтишдаги, цивилизацияларнинг туғулишида бош омил эканлиги асосланган. Буғдойнинг муқаддас (култ) кучга айланиши жараёнлари моддий манбалар асосида кўрсатиб берилган. Тадқиқотнинг асосий мақсади буғдой ва деҳқончиликнинг диний қарашларнинг ривожланишидаги ўрнини кўрсатиб беришга қаратилган.

**Калит сўзлар:** Буғдой, зардуштийлик, даэва, даэваясна, дафн маросими, қайта тирилиш фалафаси.

Шухратжон Бобоисмоилович Абдуллоев

Базовый докторант кафедры

«Истории узбекистана и источниковедения»

Термезского государственного университета

e-mail: abdulloyevshuxrat@gmail.com

## МАТЕРИАЛЬНЫЕ И ПИСЬМЕННЫЕ ИСТОЧНИКИ О ОБОЖЕСТВЛЕНИЕ ПШЕНИЦЫ

### АННОТАЦИЯ

В статье анализируется обожествление пшеницы на основе археологических и письменных источников. Показана роль пшеницы в жизни древних людей, исходя из того, что это является ключевым фактором перехода человечества к оседлому образу жизни, зарождения цивилизаций. На основе материальных источников показаны процессы превращения пшеницы в священную (культовую) силу. Основная цель исследования - показать роль пшеницы и земледелия в развитии религиозных взглядов.

**Ключевые слова:** пшеница, зороастризм, даэва, даэваясна, похороны, философия воскрешения.

**Shukhratjon B. Abdulloev,**  
Basic doctoral student of the department  
"History of Uzbekistan and source study"  
Termez State University  
e-mail: abdulloyevshuxrat@gmail.com

## MATERIALS AND WRITTEN SOURCES ON THE DEIFICATION OF WHEAT

### ABSTRACT

It is analyzed the deification of wheat on the basis of archaeological and written sources. The role of wheat in the lives of ancient people has been shown, based on the fact that it is a key factor in the transition of mankind to a sedentary life, the birth of civilizations. The role of wheat in the life of ancient people is shown, It is based on the fact that it is the main factor in the transition of mankind to a sedentary lifestyle, the emergence of civilizations. It is illuminated the processes of transformation of the wheat into a sacred (cult) force on the basis of material sources. The main aim of the research work is that role of wheat and agriculture in the development of religious beliefs.

**Index Terms:** wheat, Zoroastrianism, Daeva, Daevayasna, funeral feasts, philosophy of resurrection.

*Бехосдан гўшт ёки нон ифлос бўлса,  
гўшт итга ташланади, нон эса тавоб қилинади  
(халқ анъанаси).*

### 1.Долзарблиги:

Ушбу мақола буғдой-ноннинг сир-у синоатига бағишланади. Нон инсоният томонидан яратилган мўжиза. Инсониятнинг буғдойни таниши, маҳаллийлаштирилиши, иқлимлаштирилиши, яъни барча барчаси илмий бўлмасада, инсонларнинг табиатни кузатиши ва мулоҳазалари асосида, узок вақтлар мобайнида кашф этилган. Буғдой-нонга бўлган эҳтиром Ўрта Осиё аҳолиси ўртасида алоҳида аҳамиятга эга. Мақолада буғдой Авестада даъваларга қарши кураш воситаларидан бири сифатида муқаддаслаштирилиши сабаблари, илдизлари таҳлил этилган.

### 2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар: тарихийлик, манбавий, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик, тизимлаштириш ҳамда фанлараро ёндашувлар асосида ёритилган.

Мавзуга бевосита ёки қисман алоқадор бўлган тадқиқотларни асосан 5 гуруҳга тақсимлаш мумкин:

а) Палеоботаникага оид адабиётлар; б) археологик манбалар; в) ёзма манбалар; г) лингвистик тадқиқотлар; д) диншунослик ва этнологияга оид адабиётлар.

Биринчи гуруҳга оид тадқиқотчилар - А. де Кандолле, Золмс-Лаубах, М. Мач, Н.Вавилов, М.М. Якубзинер, П.А.Гандилян, П. М.Жуковский, Д.Зохари, М.Фельдман, Д. Р. Харрис, М.Е.Кислев, Ж.Р.Харлан, Алаин П. Бонжеан; Уиллиам Ж. Ангус, Н.П. Гончаров, Жорж Уилкоккс, К. Танно асарларида буғдой генетикаси ва маданийлаштирилиши тарихи ўрганилган. Иккинчи гуруҳга тадқиқотнинг худудий чегараси нуқтаи назаридан асосан Ўрта Осиё археологик ёдгорликларидаги тадқиқотлар киритилди. Минтақа археологик ёдгорликлардаги буғдой ва у билан боғлиқ буюмларнинг тавсифи А.А.Асқаров, В.И.Сарианиди, Т.Ш.Ширинов, Ш.Б.Шайдуллаев, О.А.Ҳамидов, Д.Хуф, Л.М.Сверчков, Н.Бороффакаларнинг тадқиқотларида ўрганилган. Учинчи гуруҳ – ёзма манбаларга асосан Авеста, қадимги юнон тарихчиларининг асарларини киритиш мумкин. Тўртинчи гуруҳдаги буғдой атамасининг этимологиясини Хр.Бартоломэ, М.Майрхофер, Д.Н.Маккензи, Г.Моргенстерн, Р.Л.Цоболов, В.А.Лившиц, М.С.Андреева, Ж.Бензинг, Ҳ.Хубах, Ж.Алфенбейн, Г.Грюнберг, И.М.Стеблин-Каменский тадқиқотларида кўриб ўтиш мумкин.



**2 расм.** Натуфиан маданияти ёдгорликлари ва уларнинг тарқалиш географияси.

ерда дон сақлашга мўлжалланган, сувалган ертўла ва унинг ёнида донни янчиб ун қилиш учун ишлатиладиган ҳавонча ва ўғирдасталар топилган [1]. Қазилмалар давомида буғдой, ловия, бодом каби ўсимликларнинг донлари ҳам учраган. Палеоботаника фани хулосалари бўйича айтадиган бўлсак, инсоният бу даврда бошоқли донларни (буғдой, арпа, сўли) маданийлаштирмаган бўлиб, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра Иерихон омбори ва ўғирлари ёввойи буғдойларни сақлаш ва янчишга мўлжалланган, аммо ўғир ва ҳавончаларнинг айнан ибодатхоналардан ва қабрлардан топилиши масалага жиддийроқ ёндашишни талаб этади [2].

Бошоқли донларни янчадиган асбобларнинг илоҳийлаштирилиши, нафақат Иерихон, балки Натуфиан маданиятига оид бошқа ёдгорликларга ҳам хос (Хайоним, Нахаль Орен, Айн-Маллаха) [3].



**1 расм.** Шимолий Суриянинг Косак Шамали археологик қазилмасидан олинган янчилган буғдой донлари.

Натуфиан маданияти эътиқодларидан кўринадики, қадимда дон ва донли маҳсулотларнинг дафн ва диний маросимларда ўрни катта бўлган. Албатта, ижтимоий ривожланиш “онг” ва тафаккур ўзгаришига олиб келади. Бундан кўринадики, ибтидоий деҳқончиликнинг шаклланиши палеолит овчилик қадриятларининг инқирозига олиб келган: ҳайвонот оламига нисбатан мавжуд бўлган диний муносабат, инсон ва ўсимлик ўртасидаги сирли алоқадорлик тушунчалари асосида келиб чиқади. Агар, илгари қон ва суяк диний моҳият ва турмуш тарзининг асосини англатган бўлса, эндиликда бу ғоялар ўсимлик уруғи ва қонда ифодаланган. Айтиш мумкинки, неолитдан то темир асригача бўлган диний қараш ва тасаввурлар, цивилизация тарихи билан бир бутунликни ташкил этади. Ҳар қандай технологик янгилик, хўжалик ва ижтимоий ҳаёт ўзгаришлари диний қадрият ва қарашларда акс этган. Неолит даври кашфиётлари ҳақида тўхталганда, уларнинг

диний “акс садо”си ҳисобга олиниши керак [4].

Аммо, баъзан ҳаёт ҳақиқатлари бизнинг тасаввурларимизга мос келмайди. Археологик далилларга кўра, одамзод анъанавий (доимий, мунтазам) деҳқончиликка

Бешинчи гуруҳга оид адабиётларга Л. Леви-Брюл, Ж. Д. Фрейзер, Мирча Элиаде, Г. П. Снесарев, В. Г. Ардзинба, А.Б.Зубов, А.А.Мамедов, А.А.Аширов, М.К.Файзуллаеваларнинг монография ва мақолаларини киритиш мумкин.

Қайд этилган олимлар ўз соҳалари ва тадқиқот йўналишлари бўйича буғдойнинг инсоният тарихидаги аҳамиятини ўрганишган бўлишсада, буғдойнинг эътиқод объекти сифатидаги маълумотлар алоҳида туркумлаштирилиб яхлит ҳолда тадқиқ этилмаган.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Археология фанида Иерихон ёдгорлиги ва тадқиқотлари натижалари ниҳоятда катта “бошқотирма” ҳисобланади. Ҳозирги илмий тасаввурларимиз бўйича, Иерихон инсониятнинг эволюцион ривожланиш тараққиёти қонунларидан ташқарида. Аммо, йил сайин бу муаммолар ўз ечимини топиб келмоқда. 1952-1958 йиллар давомида Кетлин М. Канён томонидан Иерихон ёдгорлигида олиб борилган қазилмалар натижасида мил.авв. IX минг йилликларга оид ибодатхона ва у

ўтишидан бир, ҳатто бир неча минг йиллар олдин ёввойи ўсимликлар донини диний маросимларда қўллаб келган.

Қадимги Шарқ манбалари кўрсатмоқдаки, дон - ўлим ва тирилишнинг рамзи ҳисобланган. У пишиб, ўлиб, ерга тушиб, сингиб, ўсиб чиқиб, барглари ва бошоқлар чиқаради. Ибтидоий инсонлар мифологиясида дон тимсолида “ўлим устидан ўзига хос ғалаба ва матонат” яратилган. Инсон буғдой циклогенезида ўз тақдирини – ўлиш, ўздан зурриёт қолдириш, дондан пайдо бўлган буғдой бошоғи каби фарзандлари тимсолида яшаш фалсафасини кашф этган кўринади.

Албатта, палеолитда ҳам бу ғоя бўлган, фикримизча у даврларда кучли ҳайвонлар яратувчанлик тушунчасини англаган, аммо улар ўлим ва тирилишга оид рамзий маъно касб этмасдан, фақат ўлимдан олдинги ҳаёт учун мавжуд бўлган, дон эса тўлиқ анастатик маънони ифода қилади.

Шундай қилиб, диний тасаввурлар ўсимликлар дунёси ҳаётидаги ритм, яъни туғилиш (кўкариш), ўлиш (қуриш) ва қайта туғилиш сирларини ўрганишдан ҳосил бўлган. Шунинг учун биз донни янчиш ва сақлаш билан боғлиқ объектларни ўсимликларни маданийлаштиришдан олдинги даврларга хос ёдгорликларда, айнан муқаддас нуқталарда учратамиз.

Дон ва ноннинг илоҳийлик рамзи замонавий диний қарашлар ва тасаввурларда ҳам сақланиб қолган, ҳаттоки Евангелия матнлари ва черков ваъзалари ҳам бундан мустасно эмас. "Мен ҳаёт нониман" (Жн. 6:35), "нон менинг танам" (Юҳанно). 6, 51), "Худонинг нони - осмондан тушган ва дунёга ҳаёт бағишлаган" (Жн. 6, 33) каби жумлалар Исо (а.с.) томонидан кўплаб такрорланган бўлса, Мусо (а.с.) қонунида "Инсон ёлғиз нон билан эмас, балки Худонинг оғзидан чиққан ҳар бир сўз билан яшайди", деб алоҳида таъкидланган (Мато 4:4) [6].

Аёл насли эрақдан олганидек, ер ҳам уруғни сепувчидан олади. “Қабр – ернинг қорни” тимсолида тушуниланган, марҳум ҳам янги ҳаётнинг уруғи, ибтидо эса унинг экувчиси саналган. М. Дунантга кўра, марҳум жасадини дон сақлайдиган идишларга жойлаштиришдан мақсад марҳумларнинг қайта тирилишига ишонч эътиқодидир [7].

Қадимги Шарқда хлорит ёки стеатитдан ясалган ўғир ва ўғирдасталар Месопотамиянинг Убейд, Хафаджа, Телло, Бисмиё, Аграб, Ниппур, Мари ва бошқа манзилгоҳлардаги ибодатхоналар ва бой қабрлардан топилган. Жуда кўплаб шундай топилмалар Эрон ҳудудида жойлашган Тепа Яхё [8], Жирофт [9] ёдгорликларида ҳам қайд этилган [10].




**3 расм.** Бургуттепа ўғири (а) ва ўғир дастаси (б). Сурхондарё.

Ўрта Осиё археологиясида ҳам ўғир ва ўғир дасталар кўплаб учрайди. Улар бронза даврига оид Саразм [11], Жарқўтон [12], Тиллатепа [13], Чуст маданияти ёдгорликларида [14] учраган.

Ўрта Осиёнинг сўнгги бронза ва илк темир даврларига оид Яз I (Кучук, Тилла, Чуст) маданиятига оид деярли барча ёдгорликлардан ўғир ва ўғирдасталар учрайди [15].

Шаркий Европада қайд этилган археологик топилмаларга ҳам ишора қилган, уларнинг шаклан монандлигини таъкидлашган ва мазкур ҳудуднинг дашт аҳолисига алоқадорлиги билан боғлашган [16].



**4 расм.** *Ҳоздан топилган ўғир. Сурхондарё.*

Н. Бороффка ва Э. Сава томонидан ушбу турдаги топилмаларнинг каталоги тузилган бўлиб, уларнинг типологик ва хронологик таҳлили амалга оширилган [17].

Биз ҳам ўғир ва ўғирдасталарнинг илоҳий предмет эканлигини эътироф этамиз, аммо хўжаликдаги асосий вазифасини ҳам унутмаслигимиз керак. Улар биринчи навбатта донни (буғдойни) янчиш ва ун қилишга мўлжаллангандир. Албатта, бу борада ўғирларнинг кўламига эътибор қаратишимиз, йирикларини хўжаликда, миниатюра шаклдагиларини эса диний маросимларда ишлатган деб хулоса чиқарсак, тарихий ҳақиқатга яқинлашган бўламиз.

Таъкидланганидек, буғдой кўплаб халқлар эътиқодидида ўзига хос аҳамият касб этган. Айниқса, Ўрта Осиё аҳолисининг ижтимоий ҳаётида буғдой ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар билан боғлиқ қадимги эътиқодий тасаввурларнинг излари сақланиб қолган. Ўрта Осиёда буғдойнинг муқаддаслаштирилиши зардуштийлик динида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Буғдой бошқа динларга нисбатан зардуштийликда кўпроқ диний аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Зардуштийликда буғдой нафақат ерни алқаб покловчи, балки ёвузлик тимсоли бўлган даеваларга қарши курашни воситаси ҳам ҳисобланган. Бу ҳақда “Авеста”нинг “Видевдат” қисмида алоҳида алқовлар битилган.

Даеваларга қарши кураш зардуштийликнинг асосий мазмунини ташкил этиши ҳисобга олинса, буғдойнинг нечоғлик муқаддаслиги, ҳаттоки ёвузликдан сақловчи қурол эканлигини англаш мумкин. Буғдой “Видевдат”да кўп бора тилга олинсада, “Авеста”нинг қадимги қисмларида деярли учрамайди. Нега айнан буғдой девларга қарши кураш воситасига айланган деган саволга ҳам айнан мазкур муқаддас китобдан жавоб топишимиз мумкин.

Авестада буғдой “gantuma” [18], Ригведада “godhūma” [19], номи билан тилга олиниб, хиндиарий тилидаги “ga/ondh” келиб чиққан [20]. Бу ном деярли барча хиндиэронийлар тилларда қисман диалектик ўзгаришлар билан сақланиб қолган [21]. Буғдой сўғд тилида “γntm”, “γandum” [22], қадимги хоразм тилида “γnd(y)m” [23] шаклида учрайди. Бироқ лингвистлар Авестадаги буғдой сўзининг этимологияси ҳақида аниқ бир хулосага келишмаган [24]. Ўрта Осиёнинг шарқий эроний тилида сўзловчи баъзи аҳолиси буғдойни žindam, žandam [25] деб ҳам аташини ҳисобга олиб, бу сўзлар эроний тиллардаги “zinda -тирик” [26] сўзи билан алоқадорлигини тахмин қилиш мумкин. Бу эҳтимолнинг асослари тадқиқот давомида ўз аксини топган.

Авестанинг дастлабки қисмларида буғдой, дон экилган далалар жуда кам тилга олинади [27]. Йасна 42.2;



**5 расм.** *Ёвойи буғдой*

Етти кичик яштнинг 3 ва 8-бандлари; Етти Буюк яштнинг 44-бандларида язадларга бағишланган алқовларда нажотбахш буғдой далалари олқишланган [28]. “Замяд-яшт”да тоғларни улуғловчи матнда “қурбонлик нони” [29], “эхсон нони” [30] иборалари алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу банднинг таржимасига оид шарҳларда А.Маҳкам [31] ва И.М.Стеблин-Коменскийлар бу иборани “дрон” (Авеста. draonah) деб изоҳлашган [32].

“Ер шаънига айтилган сўзлар” дея аталувчи, “Видевдат”нинг 3-фрагарди деҳқончиликни ибодатга тенглаштиради [33]. Ушбу фрагардда энг бахтиёр ер сифатида Ахура Мазда дон (буғдой) экиладиган ерларни таърифлайди (Видевдат III.4.), ишлов берилмаган ер бахтсиз, умр йўлдошини кутаётган баркамол қизга ўхшатиш билан (Видевдат III.24.), қўриқ ерларни ўзлаштириб, унга дон эккан киши покиза қизни бахтиёр этгандек савобга эга бўлиб, оиласига фарвонлик тақдим этган (Видевдат III.25.). Ер меҳнаткаш деҳқонга ризқ-рўз ваъда этган (Видевдат III.26-27.), аксинча ғайратсиз кишиларни эса ердан фойдаланмаслик хор-зорликка олиб бориши билан огоҳлантирган (Видевдат III.28-29.). Ерга ишлов бериш ва дон сепиш Мазда динининг манбаи, қудрати сифатида юзлаб сажда, минглаб таъзим, ўн минглаб қурбонликларга тенг деб билинган [34], дон экиш гуё Ашах (Ҳақиқатни) [35], имон уруғини экишдир, ҳар бир сепилган дон дуо саналиб, Мазда Ясна динини юзлаб қишлоқларга, минглаб қўрғонларга ёйиш савобига эга бўлган (Видевдат III.29-30.) [36]. Ерга дон сепилса даъваларни тер босиб, ўрндан қўзғалади, дон униб чиққанда кучсизланиб титрай бошлайди, дон янчилик ун қилинганда эса янада ув солиб фарёд чекадилар, хамир қорилганда эса оғзи куйиб шаталоқ отиб қочадилар, ундан нон таёрланиши билан даъвалар ҳалок этилган. Буғдойнинг хирмонга уйилиши даъваларнинг ҳалокатига олиб келади деб саналган. Буғдой бош чиқарган хонадондан даъвалар узоклашган ва бошқа яқинлашмаган. Хонадонда буғдой омборининг борлиги даъваларни қиздирилган темир билан қишанлаш деб тушунилган (Видевдат III.31-32.). Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё халқларида одатда “уйнинг буғдойга тўлгур” деган дуо ишлатилади.

Уйларнинг кириш қисмида буғдой бошоқлари дастасини илиб қўйилади, мақсад ёвуз назардан сақлаш ҳисобланади, бу одатнинг негизлари ҳам ғазаб ва ҳасад даъваси Аэшмага қарши курашга бориб тақалади. Ҳатто ҳозирга қадар Ўрта Осиё мусулмон аҳолиси марҳумни жанозасини ўқишдан олдин унинг ёшини ҳисоблаб, ёшига мос равишда буғдой миқдори билан садақа бериш одати мавжуд. Шунингдек марҳумнинг қабри устига буғдой сепишдан мақсад ҳам уни ўлим даъваси Насудан ҳимоя қилиш бўлиши мумкин.

Буғдой ҳаёт ва фаолият манбаи сифатида қадрланган, чунки инсоннинг самарали фаолияти тўқинчилик билан баҳоланган. Оч одам ҳақиқатга амалга қилишга, меҳнат қилишга, оиласини бошқаришга қодир бўлолмайди деб қаралган (Видевдат III.33.). Чунки қашшоқлик (очлик) инсонни заифлаштирувчи, адолатсизликка қарши курашолмайдиган, заиф, нотавонга айлантди. Қашшоқлик барча ёвузликларнинг манбаи сифатида қаралган, яъни қашшоқлашган одам очкўзлик даъваси Аз (Ази, Оз) талвасасига дучор бўлади деб билганлар. Видевдатда ерни шудгор қилиш ёки шудгор қиладиган эътиқодли кишига топширишган кишини Спента Армаити дўзахга ташламаган (Видевдат III.34-35.). Яъни бунинг аксини қилган киши зардуштийликнинг душмани – даэваясна (даэвапарастлик) тарафдори сифатида, тубанлик ва шўрбахтлик сарзамини даъвалар макони — дўзах тубига улоқтирилган.

Видевдатнинг 5 фрагардига кўра хомиласи тушган ёки нобуд бўлган аёлнинг вужудига Насу – ўлим даъваси кирган ҳисобланган, бу аёлнинг вужудидан даъваларни ҳайдаш учун аёл киши алоҳида сақланиб унга навбатдаги табиий покланиши учун уч, ё олти, ё тўққиз жом кул аралаштирилган кумиз ичмоғи керак ҳисобланган. Шундан кейингина аёл биянинг, сигирнинг, қўйнинг эчкининг қайнатилган сутини қаймоқ қўшиб ёки қаймоқ қўшмай ичишлари мумкин, сўнгра офтобда тоблаб дудланган гўшт ейишлари, куруқ лекин янчилмаган дон ейишлари, сув қўшиб юмшатиш билан май ичишлари мумкин (Видевдат V.50-54.).

Зардуштийлар учун Насу кирган майит вужудига теккан кишини поклаш ниҳоятда муҳим ҳисобланган, буни бажарувчи ашаван (қоҳин) маздаяснани мукамал билиши лозим

бўлган, акс ҳолда сохта ашаваннинг касофати туфайли Насу даэваси инсон вужудида кудратга тўлади. Шундан сўнг бу заминдан осойишталик, фаровонлик, тандурустлик, дармон баракот ва афзунлик, буғдой ва гиёҳларнинг унумдорлик ҳамда ҳосили йўқ бўлади. Токи сохта ашаван жазоланиб, қатл этилмагунча ҳаёт ўз ўрнига қайтмайди (Видевдат IX.51-57.). Авестада ялқовлик, дангасалик даэваларга хос иллат сифатида талқин этилган, шу нуқтаи назардан меҳнат ибодат даражасига кўтарилган. Шунинг учун ҳам майит танасига теккан одамни Насу нафасидан сақлаш муҳим саналган.

Авестада ер тирик жонли мавжудот сифатида талқин этилган, жамиятда юз берган маънавий иллатлар ерга таъсир кўрсатади деб тушунилган. Жумладан зардуштийлар учун муқаддас саналган ит каби мавжудотларни ўлдириш қурғоқчиликка олиб келиши оқибатида обод ерни қуту барака тарк этади, соғлиқ, бардамлик бу манзилдан кетади. Бу ер гуллаб яшнамайди, неъматлари кўпаймайди. У ердан майсалар ўсиб чикмайди, дон унда етишмайди, ўтлоқдар бўлмайди. Фақатгина гуноҳкор жазоланса – қатл этилсагина аввалги фаровонлик қайтади дейилади (Видевдат XIII.50-56.).

Видевдатда кемирувчиларга салбий муносабатда бўлишга сабабни ифодаловчи муҳим бир жиҳат баён тилган. Сув итини ўлдирган одам тавбаси қабул бўлиши учун қилиши лозим бўлган ишлардан бири сифатида донни ташиб кетувчи мингта катта чумолини ўлдириши керак бўлган (Видевдат XIV.5) [37]. Чумолиларни ўлдиришни форс маглари улкан савоб деб билишганини Геродот ҳам таъкидлаб ўтган [38]. Яъни кемирувчилар айнан буғдойга зарар етказгани учун ҳам улар Аҳриман хизматида ҳисобланган.

Видевдатда ой кўрган аёлга таом бериш қоидаларида ҳам нонга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, бундай аёлга таом берувчи киши уч қадам кам яқинлашмасдан икки динор миқдорида нон, бир динор миқдорида таом бериши лозим бўлган (Видевдат XVI.5-7.). Бу ўринда ой кўрган аъзойи баданида, вужудида Аҳриман яратган нопок храфстралар – девлар, жинлар, турли зарарли ҳашоратлар бўлади деган фикр мавжуд бўлган [39]. Бирок, бу ўринда нон (дон, буғдой) покловчи восита сифатидами? Ёки шунчаки емиш сифатида берилаётгани аниқ эмас.

Авестанинг кейинги матнларида ҳам буғдой, дон экилган майдонлар (Видевдат XIX.26), буғдой ризқ-насиба (Виштасп Яшт 6; 36.) сифатида тилга олинган.

#### **4.Хулосалар:**

Буғдойнинг илоҳийлаштирилишида унинг табиий хусусиятлари: униб чиқиши, ўсиши, пишиб етилиши, донининг ерга кириб қайтадан янги ҳаётни бошлаши муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ҳаёт фалсафасини табиат билан бир бутунликда деб англаган аждодларимиз оламнинг давомийлигини буғдой тимсолида ифодалаган. Шу билан бирга буғдой инсонни очликдан кутқарган озуқа сифатида ҳам унинг ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, деҳқончиликнинг вужудга келишига олиб келган. Деҳқончиликнинг ривожланиши қадимги цивилизацияларнинг иқтисодий асосини сифатида уларнинг вужудга келиши ва юксалишида асосий омил бўлиб хизмат қилган. Жамиятнинг ривожини кишиларнинг олам ҳақидаги қарашлари ва меҳнатга бўлган муносабати билан чамбарчас боғлиқ. Қадимги Ўрта Осиёда буғдойни илоҳийлаштириш, янги ерларларни ўзлаштиришга ундаш, деҳқончилик ва чорвачиликни улуғлаш орқали жамиятни меҳнатга рағбатлантириш кўзланганган. Меҳнат инсоннинг моддий ва маънавий камолотининг бош омили, ҳар қандай иллатларнинг давоси, жамият тараққиётининг асоси эканлигини тарғиб этилган. Шу нуқтаи назардан Ўрта Осиёнинг қадимги цивилизация марказларидан бирига айланишида аждодларимизнинг дохиёна фалсафаси асосий ўзак бўлган. “Авеста” –даги буғдойга эътиқод воситаси сифатидаги муносабатда ўша давр жамиятининг ижтимоий, иқтисодий, ҳаттоки сиёсий тафаккури намоён бўлади.

#### **Иқтибослар/ Сноски/References:**

1. Kenyon K.M. Digging up Jericho. L., 1957.

2. Шнирельман В. А. Натуфийская культура (обзор литературы) // Советская археология. — 1973. — № 1. — С. 278-287; Мелларт Дж. Древнейшие цивилизации Ближнего Востока. Пер. с англ. и комментарий Е. В. Антоновой. Предисл. Н. Я. Мерперта. Изд-во «Наука». М., 1982. 149 с.
3. Munro, Natalie D. (2003). «Small game, the Younger Dryas, and the transition to agriculture in the southern Levant», *Mitteilungen der Gesellschaft für Urgeschichte* 12: 47-71, p. 48; Clutton-Brock, Juliet (1995), «Origins of the dog: domestication and early history», in Serpell, James, *The domestic dog: its evolution, behaviour and interactions with people* (2003 reprinting ed.), Cambridge University Press, pp. 7-20; Антонова Е. В. Обряды и верования первобытных землевладельцев Востока. М., Наука. 1990. С. 40.
4. Eliade Mircea. *A History of religious ideas. Vol.1. From the stone age to the Eleusinian mysteries.* Chicago.: The University of Chicago. 1978. p. 40-41.
5. Eliade Mircea. *A History of religious ideas. Vol.1. From the stone age to the Eleusinian mysteries.* Chicago.: The University of Chicago. 1978. p. 41.
6. БИБЛИЯ. Книги священного писания Ветхого и Нового завета. Москва.: Российское библейского общество. 1994. 292 с.
7. Dunand M. *Fouilles de Biblos. Tome V. L'architecture, les tombes, le matériel domestique, des origines néolithiques à l'avènement urbain,* Paris 1973.p. 264—265
8. Excavations at Tepe Yahya, Iran 1967-1975. The Third Millenium. C.C. Lamberg-Karlovsky – General Editor and Project Director. D.T. Potts With contributions by Holly Pitman and Philipp L. Kohl. Peabody Museum of Archaeology and Ethnology, Harvard University, Cambridge, Massachusetts, 2001.
9. *Jiroft the Earliest Oriental Civilization / Written by Yousef Majidzadeh.* Tehran: Ministry of Culture and Islamic Guidance; Printing and Publishing Organization, Cultural Heritage Organization (Research Center), 2003.
10. Lamberg – Karlovsky C.C. Excavation at Tepe Yahya, Iran 1967 -1969. //The Third Millennium. Massachusetts: Harvard University Cambridge.- 2001.
11. Исаков А.И. Саразм. - Душанбе, 1991; Бобомуллоев С. Верховья Зарафшана во II тысячелетия до н.э. Душанбе, 1998. С. 47.
12. Шайдуллаев Ш.Б., Хуфф Д. Некоторые результаты работ Узбекско-Германской экспедиции на городище Джаркутан // ИМКУ, Вып.30 - Самарканд, 1999. С. 31-42.
13. Сариниди В.И. Древние земледельцы Афганистана. Материалы Советско-Афганской экспедиции 1969–1974 гг., –М., 1977; Francfort, H.-P. The cultures with painted ceramics of south Central Asia and their relations with the northeastern steppe zone (late 2nd – early 1st millenium BC). in RicardoEichmann, Hermann Parzinger (eds), *Migration und Kulturtransfer. Der Wandel vorder- und zentralasiatischer Kulturen im Umbruch vom 2. zum 1. vorchristlichen Jahrtausend. Akten des Internationalen Kolloquiums Berlin, 23. bis 26. November 1999. Kolloquien zur Vor- und Frühgeschichte* 6, Bonn: Dr. Rudolf Habelt GmbH, 2001. P. 227, fig. 2.
14. Ширинов Т.Ш. Орудия производства и оружие эпохи бронзы среднеазиатского междуречья (по данным экспериментально-трассологического изучения). Т., 1986.
15. Хамидов О.А. Бургуттепа ўғирчаси ва ўғирдастаси хақида мулоҳазалар // Ўзбекистон археологияси, 3 (18), 2018.
16. Сверчков Л.М., Бороффка Н. Археологические исследования в Бандыхане в 2005 г. // Труды Байсунской Научной Экспедиции. Выпуск №3. Ташкент, 2007. С. 111. Фото 11, 1-2.
17. Boroffka, N., Sava, E. Zu den steinernen «Zeptern/Stössel-Zeptern», «Miniatursäulen» und «Phalli» der Bronzezeit Eurasiens. In: *Archäologische Mitteilungen aus Iran und Turan, Band 30*, 1998. P. 112.
18. Bartholomae Chr. *Altiranishes Wörterbuch.*Strasburg. 1904 (repr.: Berlin-New York, 1979). p. 495.

19. Mira Roy. Agriculture in the vedic period. *Indian Journal of History of Science*, 44.4 (2009) 497-520.
20. Mallory J. P., Adams D. Q. *The Oxford Introduction to Proto-Indo-European and the Proto-Indo-European World*. New York.: Oxford University Press. 2006. p.164.
21. Расторгуева В.С., Эдельман Д.И. *Этимологический словарь иранских языков. Том 3.* — М.: Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 2007. с. 150-152
22. Согдийские документы с горы Муг. Вып I Вып II. *Юридические документы и письма (чтение, перевод и комментарии В.А.Лившица)*. М., 1962. с. 382-383.
23. Benzing J. *Chwarasmischer Wortindex (mit einer Einleitung von H.Humbach)/ Wiesbaden?* 1983. p. 289.
24. Mayrhofer M. *Etymologisches Wörterbuch des Altindoarischen - 7*. Heidelberg, 1986-2001. p. 498-499
25. Соколова В.С. *Генетические отношения язгуламского языка и шугнанской языковой группы*. Л., 1967. с. 20, 38, 49.
26. Расторгуева В.С., Эдельман Д.И. *Этимологический словарь иранских языков. Том 3.* — М.: Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 2007. с. 109.
27. Roland G. Kent. *Cattle-Tending and Agriculture in the Avesta*. Source: *Journal of the American Oriental Society*, Vol. 39 (1919), pp. 329-333
28. Хордэ Авеста (Младшая Авеста) /Подготовка авестийского текста, перевод, предисловие, комментарий М. В. Чистякова. – СПб., 2005. с. 180.
29. Авесто. *Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси.* — Т.: «Ғафур Ғулом», 2015. 448-б.
30. Авесто: *Яшт китоби./М.Исҳоқов таржимаси.* – Т.: “Шарқ”, 2001. 111-б.
31. Авесто. *Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси.* — Т.: «Ғафур Ғулом», 2015. 668-б.
32. Авеста. *Избранные гимны из Видевдата. Перевод Ивана Михайловича Стеблин-Каменского.* – М.: “ДРУЖБА НАРОДОВ”, 1993. с. 194.
33. Авеста «Закон против дэвов» (Видевдат). *Адаптированный перевод, исследование и комментарии Э.В. Ртвеладзе, А.Х. Саидова, Е.В. Абдуллаева* СПб.: Изд-во Политехи, ун-та, 2008. с. 86.
34. *Vendidad (Vidēvdād) or Laws against the Demons Avesta — The Sacred Books of Zoroastrianism, Book 3.*//Translated by James Darmesteter (From Sacred Books of the East, American Edition, 1898. Edited by Joseph H. Peterson. p. 22.
35. Авесто. *Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси.* — Т.: «Ғафур Ғулом», 2015. б. 231.
36. АВЕСТА: «Видевдат» китоби (М.Исҳоқов таржимаси). - Т.: ТошДШИ нашриёти, 2007. б. 23.
37. Авеста «Закон против дэвов» (Видевдат). СПб.: Изд-во Политехи, ун-та, перевод, составление Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев К.В., 2008. с. 213.
38. Геродот. *История в девяти томах (I,140)*. Перевод и примечания Г.А.Стратановского М.: Ладомир, 1999. — 752 с.
39. АВЕСТА: «Видевдат» китоби (М.Исҳоқов таржимаси). - Т.: ТошДШИ нашриёти, 2007. б. 80.

## ЎТМИШГА НАЗАР

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

## LOOK TO THE PAST

**№SI-3 (2020)**

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000